

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
8 март
ШАНБА
№ 19
(12.030)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бугун гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни – мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни 8 март – Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Кўхна тарихимиз давомида айни шу баҳор фаслида табиат гўзаллигининг ажралмас қисми бўлган аёл зотини улуғлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром баҳо келтириш эзгу ва қутлуғ бир анъанага айланиб, маънавий ҳаётимиздан чуқур жой олган, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биз аёл тимсолида аввало Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш муқаддас она сиймосини кўрамыз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ юбод, оқ тараган бу улуг зотнинг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиш.

Ер юзида не-не улуг шоир ва мутафаккирлар аёлнинг чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофати, вафодорлиги ва фидойилигини тараннум этиб, қанчадан-қанча шеър дустанлар, таърифу тавсифлар битган бўлмасин – менинг бунга имоним комил – уларнинг барчаси бизнинг аёлларимизга мансуб ва муносиб, деб айтсам, ўйлайманки, юртимизда яшаётган, ўзини мард деб биладиган ҳар қайси инсон бу фикрга сўзсиз қўшилиди.

Биз бугун ўзбек аёли ҳақида гапирганда, албатта буюк бобомиз, шеърят мулкисининг султони Алишер Навоий куйлаган бетакдор фазилатлар соҳибасини ўзимизга тасаввур қиламиз. Шу билан бирга, бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб – бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва қасаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўладими – мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғурур ва мамнуният билан таъкидлаймиш.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салохиятини юксалтириш, уларнинг саломамлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бугун ўзининг ҳосилини бераётганини барчамизни қувонтиради.

Юртимизда 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганимиз ўз ҳаётининг маъно-маъмунини фарзандларинг бахту камоллини кўришда деб биладиган ота-оналарнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир улкан қадам бўлди, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Шу мақсадда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни тўғридан бериш, рўзгорини бутлаш учун маблағ ва кредитлар ажратиш бўйича қилаётган амалий ишларимиз барчангизга яхши маълум. Айниқса, ҳар қайси келин-куёвнинг эзгу орзуси бўлган соғлом зурриёдни дунёга келтириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук фарзандларни вояга етказиш учун ҳаётини имонийлатлари яратиб беришга қаратилган дастур ва режаларимиз на-

фақат ёш оилаларнинг бахтли бўлиши, балки бутун жамиятимизнинг равнақ топишига, дунё аҳли ҳавас қиладиган янги, баркамол авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилиди, деб қабул қилишимиз зарур.

Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг гарови бўлмиш бундай ўта муҳим масалага айни шу кўз билан қараш шу заминда яшаётган ҳар қайси фуқаромизнинг қалби ва онгидан теран жой олишини истардим.

Азиз ватандошларим!
Бугун биз халқорол демократик ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйган эканмиз, аҳолимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини янада кенгайтириш, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган, эскидан қолган қолдиқ ва асоратлардан бутунлай воз кечиш, замон талаблари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаш муҳим аҳамият касб этишини яхши англаб олишимиз лозим.

Шу борада аёлларимизга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлида олиб бораётган ишларимизни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодини тўла рўёбга чиқариш, жамиятимиздаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш – бундай вазифалар фақатгина сўзда эмас, қундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни миннатдорлик билан, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз бошқаларга нисбатан ҳаётнинг оғир-енгили, аччиқ-чучугини чуқур англаши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотмасдан, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшashi, уларнинг ҳаётга, меҳр-оқибат ва яхшиликка бўлган сўнмас ишончи, ҳақиқатан ҳам оила устунни эканини амалда тасдиқлаб келаётгани мени доимо хайратда қолдиради ва аёл зоти олдида таъзим қилишга ундайди.

Бугун, ҳар кун янги-янги ташвиш ва муаммоларни ечишга тўғри келаётган шиддатли замонда аёлларимизни кўпроқ қадрлаш, қаерда ишлашимиз, қайси ёшда бўлишимиздан қатъи назар, ўз умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимизга, бир сўз билан айтганда, биз учун севишли ва ардоқли бўлган инсонларга самимий муносабатимизни чин дилдан намоян этиш – бу албатта умримизнинг маъно-маъмунини янада бойитиш, уни хушнуд этишга хизмат қилган бўлур эди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Муҳтарам ва азиз опа-сингилларим!
Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умрингиз узун, толеингиз баланд, ризқ-насибанингиз зиёда бўлсин!
Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камоллини кўриш, ширин-шаккар набираларингиз бешингизни тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!
Хонадонларингиздан файзу барака ариямасин!

Бахтимизга ҳаммиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



АЁЛ БОРКИ, ҲАЁТ БАРДАВОМ

Дунё нёъматлари ичра ажиб бир хилқат бор. Унинг таърифи йиллар қапдаги жаҳоҳирдек кўзни қамаштирсада, поёнига қатмаган ноёб кашфиётдек ўзига тортиб туради.

Бу – ҳаёт, тиркилик тилсими Ҳазрати Аёлдир. Аёл – аввало Она. У – эзгулик тимсоли, у бор экан – ҳаёт бардавом.

Мустақил диёримиз меҳробидида хурлик, эзгулик нурини таратиб турган улугвор Она ҳайкали – мамлакатимизда Аёлнинг, Онанинг ўрни беқиёсликдан далолат. Қўлида озолик, эрк, эзгулик, қўйингки, буюк келажак тимсоли – фарзандини авайлаб, эъозлаб туришти гуё.

Аёл – гўзаллик, садоқат, вафо тимсоли. Пойтахтимизда ўзбек халқининг ардоқли, севили шайраси Зулфиянонимга ҳайкал ўрнатилди. Яъни, Юртбошимиз айтганларидек, «ҳаётнинг ҳар қандай

монлари ва Вазирлар Маъжамасининг қарорлари ҳақида тўхташмасдан илоҳ йўқ. Қайсики, ўзбек аёлининг ҳаёнига юз тутишда, ўзини, ўзалигини таниб, ҳаётда муносиб ўрнини топа олишида ана шу халқчил қонун ҳужжатлари асосида яратиб берилган шарт-шароит, имконият ва имтиёزلарнинг аҳамияти катта. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Авалло оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.»

(Давоми 2-бетда).

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов жорий йилнинг 10-11 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.
Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.
Музокара яқунлари бўйича икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддади кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори урта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам:

иш ҳақи – ойига 20 865 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 41 330 сўм;

янага тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 20 865 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 41 330 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 25 030 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгиланган қўйилсинки, иш ҳақига қўшилмаган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлансин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳужалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўз қўчини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мўддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маъжамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 март.

«Ташаббус – 2008»



ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КАТТА МАКТАБ

2008 йил 6 март... Чирчик шаҳридаги ҳар қачонгидан кўра чиройли бозатилган ҳашаматли «Кимёгарлар» маданият саройида «Ташаббус – 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоятимизда бугунги кунда 34851 та кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъекти ҳамда 20015 та фермер ҳўжалиги рўйхатдан ўтган. 2007 йилнинг ўзида улар яна 4 мингтага қўлайди. Ушбу субъектлар ўтган йилнинг ўзида 205 миллион 197 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилди.

Айнан «Ташаббус» танлови сабаб кичик бизнес соҳасига берилаётган кредитлар салмоғи янада ошмоқда. Жумладан, ўтган йили соҳага бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 2444,1 минг сўмлик 903 та имтиёзли кредит берилди. Тижорат

банклари 18113,9 минг сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратди. Вилоят кўрик-танловидида таъкидланишича, ушбу кредитлар тўғри йўналтирилганиги тўғрилай 42 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

– Тўғриси айтсам, мени бу танловга юқори ва совринли ўринларни эгаллаш мақсадиғина етаклаб келгани йўқ, чунки танловнинг ютқудан ҳам муҳимроқ томонлари бор, – деди Тошкент туманидаги «Камол Тўхтабой Барзак» фермер ҳўжалиги раҳбари Тўхтабой Раҳимов. – Энг аввало, у бизга илгор фермерлар билан тажриба ва маҳорат

алмашиш имконини беради. Шунинг ўзи биз учун асосий соврин эмасми?!

Маданият саройининг ўзида маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Иштирокчилар иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилган жами 1500 турдан зиёд маҳсулотни кўриб, баҳо беришди.

Шундай қилиб, яқиний натижаларга кўра, Юқоричирчик туманидаги «Техноинвест – ST» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Карим Исмомов «Энг яхши тадбиркор» дея эътироф этилди. Ушбу корхона мебель жиҳозларини ишлаб чиқариши, ойна ва металлга бадиий қўришида ишлов бериш билан шуғулланади. Қибрай туманидаги «Истиқлол – Шўкурова Г. Н» фермер ҳўжалиги раҳбари Гўзал Шўкурова ҳақиқий фермер қандай бўлишини намоиши этди.

«Энг яхши хунарманда» сифатида зангиоталик Ғайрат Раҳматуллаевнинг иши юқори баҳоланди.

Қўшимча номинациялар ҳам ўз эгасини топди. Охангарон шаҳридан Сайёра Ҳамралиева «Энг яхши тадбиркор аёл» номинга сазовор бўлди. Чирчик шаҳрида тўй ва оқшом либослари маркази фаолиятини намунали юритаятган Елена Петрова «Энг яхши яқка тартибдаги тадбиркор» бўлди. Халқ истеъмоли моллари, уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқараятган бўқалик Элёржон Жалилова энг ёш тадбиркор сифатида қимматбаҳо соғва топширилди. Муруват ишларида фаол қатнашаётган юқоричирчиклик тадбиркор Зайниддин Нурматов ҳам ўз йўналишида голиб чиқди. Чиноз туманидаги «Чиноз Наврўз барака сервис» масъу-



лияти чекланган жамияти аҳолига энг сифатли сервис хизмати кўрсатгани учун тақдирланди.

Энди танлов голиблари республика босқичида иштирок бой бўлди.

етиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Хуришда НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТААРДА: танлов қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, УМРИМИЗ МАЗМУНИСИЗ, АЁЛЛАР!

АЁЛ БОРКИ, ҲАЁТ БАРДАВОМ

Хозирги кун аёлининг жамиятдаги ўрни ва маънавияти, эришган ютуқлари айнан ана шу эзгу ниятларнинг рўйбега чиққанидан далолат беради.

Хиндистонга кетаялман, — деди ўтган ҳафтада вилоятимизнинг машҳур тadbиркор аёлларидан бири Зарифа Баходирова. — Бизнинг махсулотларимиз хиндларга жуда маъқул бўлибди. Халқаро кўргазмага таклиф қилишяпти. Қайтиб келгач, байрам кунларида «Ташаббус — 2008» кўрик-танлови ҳам бўлади. Орада — «Экофорум». Шуларга ҳам улғурчишим керак...

— Ие, бир ҳафтагина қолди-ку, байрамга, Хиндистонга бориб келишнинг ўзи бўлмас керак? — Нимасини айтасиз! Замона зайилдан айланай. Самолётда шув этиб учиб, бир зумда етамиз-да! Мухими, меҳнатимизни, ҳунаримизни қадрлайдиган, биздек тadbиркор аёлларга жаҳон эшикларини кенг очиб қўйган ҳур Ватанимиз бур. Яратганга шукр.

Зарифахоннинг тоғлиқидан ясалган уй жиҳозлари, рўзгор буюмлари ҳақиқатан ҳам нафақат юртимизда, балки чет эллик тadbиркорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айтмоқчи бўлганимиз, вилоятда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тadbиркор, фермер, олим, муаллима ва шифокор аёлларимиз кўп. Улар давлат ва жамоат ишларида фидокорона меҳнат қилиш билан бирга оила-

(Давоми. Боши 1-бетда).

да ҳам меҳрибон она, вафоли ёр, оқила уй бекаси. Эл орасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлган шундай аёлларимиздан тadbиркор фермер Гўзал Шукурова, «Йил аёли» танлови голибаси шифокор мураббий Гулнора Тўхтаназарова, фаол раҳбар аёлларимиздан Шохид Ирисметова, Наргиза Назаровани таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Юртбошимизнинг «Оила» нини ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунавар қиладиган зотлар ҳам аслида оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир» деган самимий дил сўзларидан уларга бўлган чексиз ҳурмат, эҳтиром, юксак ишончи туюмиз.

Ҳақиқатан ҳам, жамият тараққиёти ҳур фикрли, ҳар томонлама соғлом, баркамол инсонлар гайрати, шижоатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Демак, баркамоллик, етуқлик, файзу барокот ижодкорлари — азиз Оналаримиз, аёлларимиз қадр ва эъзоз шохсупасида мангу барҳаётдир. Сўзимиз исботи — вилоятимизда 100 дан ошган 128 табаррук инсонларнинг 121 нафари моллардир.

Мўтабар, мунис онахонлар, умрибоқийлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин! Ҳаётимиз безаги, файз-таровати — азиз Она-сингиллар, Она юрт эъзозидан бахтиёрлик хисси Сизларни асло тарк этмасин!

Байрам тadbирлари

Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида вилоятда жуда катта ва кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.

ОЛАМНИ МУНАВВАР АЙЛАБ...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-tadbирлар тўғрисида»ги Фармони вилоятимиз хотин-қизларининг фаолияти ва мавқени янада кўтаришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Вилоят аҳолисининг 50,3 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шу кунларда уларнинг 3 минг нафарга яқини раҳбарлик лавозимларида, 28 мингдан ортиғи саноатда, 800 нафардан зиёди қурилишда, 2800 нафар транспорт ва алоқа соҳаларида, 30 минг 500 дан зиёди қишлоқ ҳўжалигида, 3 мингга яқини маданият соҳасида, 36 минг 600 нафари соғлиқни сақлаш ва спорт, 60 минг 500 нафари халқ таълими, 400 га яқини ўрмон ҳўжалигида, 16 мингдан зиёди эса иқтисодиётимизнинг бошқа турли соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда.

Хозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 4 нафар, вилоят кенгашида 12 нафар, шаҳар ва туман кенгашиларида эса 110 нафар депутат аёллар фаолият кўрсатмоқда. Кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи тобора ортиб, ўз меҳнатлари эвазига юксак обрў-эътиборга сазовордирлар. Вилоят ҳокимлигида бўлиб

ўтган йилги шаҳар ва туманларда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг ва тантанали нишонлашга ҳар йилдан кўра узгача тайёргарлик кўрилатганини, байрам шукҳи ҳар бир маҳалла ва оилага кириб бориши зарурлиги таъкидлаиб, махсус тadbирлар ишлаб чиқилди.

Туман марказларида, ҳар бир ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида маданий-маърифий ва спорт тadbирлари дастури ишлаб чиқилди. Байрам тadbирларида танқили санъаткорлар билан бир каторда бадий ҳаваскорлик жамоалари, ёзувчи ва шoirлар иштирок этади.

Байрам муносабати билан туман ва шаҳарларда вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бўлимлари, ёзувчилар ва «Тadbиркор аёл» уюмлари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ томонидан «Икки авлод учрашуви», «Энг саховатли оила», «Энг муруватли аёл-tadbиркор» кўрик-танловлари ўтказилди.

Раҳимжон ОРИПОВ,
вилоят ҳокимлиги матбуот котиби.

Эҳтиром

ДУНЁНИНГ ШОДЛИГИ СИЗГА

Фусункор баҳорнинг илк байрами аёлларга аталган. Ҳеч шубҳасизки, бу шукҳли айёмда жамиятимиз гули, умримиз мазмуни бўлган азиз аёлларга кўрсатилажак ҳурмат-эҳтиромнинг чек-чегараси бўлмайд.

Бу йилги байрам вилоятимизда муносиб тўҳфаларга бой тарзда нишонланмоқда. Вилоят ҳокимлигига жамулжам бўлган, ўз фаолияти билан кўпчиликлга ибрат ва



ўрнат бўлиб келаётган опа-сингилларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов қўллаб, самимий тил-лақларини йўллади. Бир гуруҳ аёллар ҳокимлик

нинг Фаҳрий ёрликлари билан тақдирланди. Байрамнинг мазмуни ўтиши учун аввалдан катта ҳозирлик кўрилди. Пойтахтдаги муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида кеча ва бугун давом этаётган ўзбек эстрада юлдузлари иштирокидаги икки кунлик байрам концерти вилоятимиз хотин-қизларига бағишлаб уюштирилди, десак хато бўлмайд.

Фусункор баҳорнинг илк байрами аёлларга аталган. Ҳеч шубҳасизки, бу шукҳли айёмда жамиятимиз гули, умримиз мазмуни бўлган азиз аёлларга кўрсатилажак ҳурмат-эҳтиромнинг чек-чегараси бўлмайд.



МАНГУ БАҲОР

Аёлнинг ёшини сўраманг зинҳор,
Уни сузга ўранг, атанг баҳор деб.
Тазвим қила билинг Сиз унга минг бор,
Дунёларга бера олган зеб.
Аёлнинг ёшини сўраманг, зинҳор,
У ёшлик заштини сураг ҳар нафас.

Уни сузларга ўраб ҳар наҳор,
Юракка тиконин боса олмас, бас.
Аёлнинг ёшини сўраманг, зинҳор,
Кўнглида яшайди мудом Кўксламо,
Рашиқ қилиб қизганар бир гули боёр,
Ўртада талошдир шохий чирой.

Ашуралӣ БОЙМУРОД.

ОҚИБАТ – ДОИМИЙ БУРЧИМИЗ

Орзу-умидли халқимиз, не ишни бошласак, яхши ниятлар, собит қадамлар билан киришамиз. Қишининг аёли кунлари ортада қолиб, юртимиз узра баҳор нафаси кезаётган шу кунларда асосий эътиборни жамиятнинг бош бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, она ва бола ҳаёти ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига қаратаямиз.

УМР ГУЛТОҶИ

Юқоричирик туман педагогика касб-ҳунар коллежида Республика «Матрифатвор аёллар» уюшмаси раиси Турсуной Содиқова билан учрашув бўлиб ўтди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан «Соғлом авлод учугу» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур учрашув «Ҳаётимиз гули — жамиятимиз таянчи» шiori остида ўтказилди.

Унда 200 нафар аёллар иштирок этиб, фикр-мулозалар билан уртоқлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

«Туркистон-пресс».

Аньана

Кутлуг кунларда мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган аjoyиб инсонларни шарофлаш — яхши аньана. Металлургиянинг янги авлодини тарбиялашда халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам, фуқаролик бурчини ҳис этиш каби аъёнлар юксак аҳамиятга эга. «Бу, — деган эди Давлатимиз раҳбари металлургиямизга мурожаат этиб, — меҳнат жамоангизнинг қудратли илҳомлантирувчи кучи ва ривожланишининг янги манбаидир».

ИБРАТ КУЧИ

Бу куч сўнги 15-16 йилда, айниқса, ёрқин намоён бўлди ва корхонамиз мамлакат оғир саноатининг етакчи даражасига кўтарилишига олиб келди. Ана шу жараёнларда металлургия хотин-қизлар фаол қатнашмоқдалар. Шу баҳор байрами кунларида Мавлуда Йўлдошева, Тамара Пардаева, Любовь Кишкан, Одина Раҳимова сингари аёлларимиз номини фахр билан тилга олмақдамиз. Сирловчи Мавлуда опанинг меҳнатлари бирин-

чилар қаторида мустақил давлатимизнинг «Фаҳрий ёрлиги» билан тақдирланди. Темир-терсакни эриштига тайёрловчи Тамара Пардаева «Меҳнат шукҳрати» орденига сазовор бўлди. Бирлашма бош директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Любовь Кишкан импорт ўрнини босувчи махсуслотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш жараёнидаги изланувчанлиги ва ташаббускорлиги учун «Шукҳрат» медали билан

тақдирланди.

Хотин-қизлар орасидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг моҳир ташкилотчилари етишиб чиқди. Турли йилларда Одина Раҳимова электр таъмирлаш цехига, З. Бабаева ишлаб чиқариш ва тақсимот, Г. Толқонникова мактабгача тарбия бўлимига раҳбарлик қилишди.

Мана шу аjoyиб аньана давом этмоқда. Бугун корхонамизда коллеж ва олий ўқув юрталарини битириб чиқаётган кўпчилик хотин-қизлар меҳнат қилишаётди. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, ҳаётда ўз ўринларини топмоқдалар. Бунда кекса авлод ибрати, уларнинг бой таърибаси муҳим аҳамият касб этаётди.

Тамара ОЛЛАЁРОВА,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари.

САҲНАДА ИБОЛИ ҚИЗЛАР

Халқаро хотин қизлар кунини муносабати билан Чирчиқ шаҳридаги «Зобитлар уйи» саройида «Иболи қиз» аънанавий кўрик-танлови ўтказилди.

Унда шаҳардаги касб-ҳунар коллежларининг 7 нафар талаба-қизлари қатнашиб, кўрик-танлов низомида белгиланган барча шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, таништириш, эркин мавзу ҳамда таом тайёрлаш каби бир-бирдан қизқарди шартлар танловга жўшқин руҳ бахш этди.

Барча шартларни қойилмақом қилиб бажарган Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Нодира Ражабова танлов голиби бўлди.

Гули ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган Фаҳрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Зухра МИРФОЗИЕВА,
Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи услубийчиси.

Қишлоқ мулкдорлари



Кейинги йиллар мамлакатимизда ишбилармон ва фермер аёллар сафи беқиёс кенгайди. Улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳам шу қадар салмоқлики, бу аёлларнинг ташкилотчилиги ва раҳбарлиги қобилияти ҳар жаҳада кўл келаётганидан далолат беради.

Чиноз туманидаги «Умид» фермер ҳўжалигини кўпчилик яхши билади. 2000 йилда 15 гектар еру бир-икки техника билан иш бошлаган ҳўжаликни оддий дехқон аёл Бисенгул Жўлтаева бошқармоқда. Очиги, туманда наманам деган ҳўжалиқлар истаганча топилди. Бирок, тумандашларига «фермер опа» бўлиб танланган Бисенгул Жўлтаева ўтган фурсат мобайнида нисбатан кичик ҳўжалик билан худуднинг етакчи заминдорларидан бирига айланиб олди.

Халқий дехқон учун ернинг катта-кичиклиги муҳим эмас, — дейди Бисенгул Жўлтаева. — Бугуннинг талаби — майдон бирлиги ҳисобига юқори ҳосилдорликка, катта фойдага эришишдир. Мен бу ақидага қатъий амал қиламан, ҳўжалигим аъзоларини ҳам шунга қорлайман. Дарҳақиқат, кичик ҳўжаликнинг олти аъзоси ўтган йил галла ҳосилдорлигини 60 центнердан оширди. Бугуннинг бир қисми ўзларига қолди. Яна 4 миллион сўм соф фойда кўришди. 5 гектар майдонда пахта етиштириб, гектаридан

Маҳалламизда 2022 нафар аёлдан 1273 нафари ёшлардир. Қолаверса, 17 миллат вакиллари ахил-чоқ яшаб келмоқдалар. Худудимизда 14 та кўча бўлиб, уларнинг ҳар бирига аёллар масалаларини ўрганиш ва ҳал этишда фаол масlahатчи аёллар таъинланган. Улардан Шаҳзода Жумадуллоева, Динара Дўстматова, Сабиха Каримова сингари тажрибали, турмушининг паст-баландини илганга фидойи аёлларимиз ёш оилаларни мустаҳкамлаш, қайнона-кекин муносабатлари, орасталик ҳамда оилада тиббий, ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида жонбозлик кўрсатишяпти. Шунингдек, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, катта ҳаётга тайёрлаш, ўз бурни ва мажбуриятларини тўла ҳис этишларида маҳалламиз ҳуқуқшуноси Барчиной Норматова ташкил этаётган суҳбат-учрашувлар самарали кечмоқда. Булардан ташқари пайшаниба «Маънавият кунини» деб белгиланган. Унда ҳар бир соҳа мутахассислари иштирокида аҳоли ўртасида тарбият-ташвиқ ишларини олиб бормиз. Қадимий миллий урф-

одатларимизни тиклаш, оила, ёш-ўсиқлар маънавияти ва маданияти каби масалаларда бамаънаҳат фикр юритиб, тегишли вазифаларни белгилаб оламиз.

Сўнги бир йил давомида шаҳар меҳнат бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бориб, 21 аёлни ишга жойлаштирди. 2007 йилда жами 57 та ёш оила никоҳдан ўтиб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. Уларнинг турмуш шaroитларини яхшилаш учун муҳим иш билан банд этиш масаласи ҳам доимий эътиборимизда.

Бугун — Халқаро хотин-қизлар кунини. Шу сабаб, маҳалламиздаги 80 ёшдан ошган 16 нафар кекса онахонларимизни байрам билан қўллаб, уларга совға-саломлар улашдик. Хонадонларига бориб, турмуш шaroитларини билан танишдик. Зеро, меҳр-оқибат доимий бурчимиздир. Байрам муносабати билан вилоятимизнинг барча аёлларини самимий муборакбод этамиз.

Санобар НУРМАТОВА,
Янгийўл шаҳар Нодирабеғим номидаги маҳалла масlahатчиси.

УНИ «ФЕРМЕР ОПА» ДЕЙИШАДИ

салкам 55 центнердан хирмон кўтаришди. Бу натижа ҳўжаликка 9 миллион 400 минг сўм соф фойда келтирди.

Бугун ҳўжаликнинг техник имкониятлари ҳам анча яхшиланди. Барча агротехник воситалар мавжуд. Яна иккита трактор ҳам хизматга шай. Хозир 10 гектар ерда бўғдой парваришляяпмиз, — дейди фермер. — Кўзги ҳаракатларни барқат қилгандик, галламиз боҳато унинг, яхши тошлади. Киш қаҳрига, яхши дўш берди. Фалламизнинг ҳолати чакки эмас. Лекин бу билан хотиржамликка берилганимиз йўқ. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришга зўр бераймиз. Эрта-индин чигит экиладиган ерни ҳам тайёрлашга киришамиз.

Эҳтимол, аёл киши бўлгани учунми, Бисенгул Жўлтаева саховат ишларига имкон қадар қўпроқ улуш қўшишга интилади. Туманда таълим, маданият, спорт соҳаларининг ривожига баҳолиқудрат моли-

Тумандагилар бу меҳнаткаш аёлга ишон билдириб, дехқончиликнинг улдасидан чиқолмаган айрим заминдорлардан захирлага қайтариб олинган ерлардан 50 гектарини таклиф қилишяпти. Хозир фермер ўз имкониятларини намалаб қўяпти. Ажабмаски, яқин орада у ҳам йирик ер эгаларидан бирига айланиб қолса.

СУРАТАА: фермер Бисенгул Жўлтаева ҳўжалик механизатори Мирза Мелибоев билан мавсумга ҳозирланган техникаларни кўздан кечирмоқда.



«Тошкент газ таъминоти» унитар корхонаси вилоятимиз хотин-қизларини 8 Марти — иzzалик ва баҳор байрами билан самимий муборакбод этади. Мухтарана онахонлар, азиз опа-сингиллар! Ҷибу шукҳли айём қаъбинизга зар олам қувонг, хонадонларинизга мангу кўн-баракат, бахт-саодат ҳада эйсин! Бахтинизга, ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 6 columns: ДУШАНБА 10, СЕШАНБА 11, ЧОРШАНБА 12, ПАЙШАНБА 13, ЖУМА 14, ШАҒНА 15, ЯКШАНБА 16. Each column lists TV programs with times and channel names like O'ZBEKISTON, YOSHLAR, TOSHKENT, MARKAZ, PARIY.



ЭЪЛОН!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2008 йил 10 апрель куни соат 15.00 да очиқ тендер ўтказилади.

- ШИ-3 й.т. Тоҳир дўкони - Муруват маҳалласи
ШИ-5 й.т. 5/5 даҳаси - Чинобод маҳалласи
ШИ-9 й.т. Хаккарман маҳалласи - Болалар шифохонаси
ШИ-10 й.т. Қончилар шифохонаси - Саноатқилингозасавдо
ШИ-12 й.т. Соғлом маҳалласи - Ангрен дехқон бозори
ШИ-13 й.т. 5/2 даҳаси - Облик маҳалласи
ШИ-14 й.т. Оппартак маҳалласи - Янги Боғи Сурх маҳалласи
ШИ-15 й.т. Қорабоғ маҳалласи - Янги Жигаристон маҳалласи
ШИ-16 й.т. Янги Боғи Сурх маҳалласи - Янги Боғи Сурх маҳалласи (айланма)
ШИ-17 й.т. Янги Боғи Сурх маҳалласи - УАТТ корхонаси
ШИ-18 й.т. Тоҳир дўкони - Ангрен кўмир қони
ШИ-19 й.т. Ангрен АШБ - Янгиобод АШБ



Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транс-портида шарафатли вақтлардан ташқил қилинган, лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Лисунова кўчаси, 4/68-йў.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳўжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳўкимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳўракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига Ҳўсанотқурилиш бўлими (ОПЕРО ТГРФ УАПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 ҳисоб рақамини (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 37260 сўм ўтказиб, 2008 йил 5 апрелгача бюуртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер тақлифларини 2008 йил 9 апрель соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-йў. Тошкент вилояти ҳўкимлигининг кичик мажлислар залида.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Паркент туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005-2006 ўқув йилида Ўлима Умид Рустамович номига берилган О'Р-ШН № 0475016 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туманидаги Матбаа касб-ҳўнар коллежи (олдинги ГСПТУ-9) томонидан 1979 йилда Устинова Светлана Владимировна номига берилган № 5486 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юлдашев Ботыр номига берилган Чилонзор тумани 11-қўртал, 59-йў, 26-қўнағонда тегишли уй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«КЕДЕ» Ўзбек - Литва кўшма корхонасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампини йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманидаги «МЕДУ НУР» масўулияти чекланган жамияти (ОКОНХ 83200 ИНН 205549794) 2008 йил 9 апрель соат 17.00 гача қабул қилади.

Давлолат Ёллов чўққан кўшма бошлаб 2 ой давомидан 158-59-84 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО «DINARA-AUDIT» Мирзо-Улуғбекского району г. Ташкентта сообшотоб об уменишени уставного фонда с 5 600 000 сўмов до 50 000 сўм. Претензии принимаются по тел.: 370-63-06.

ООО «ВОН-БЕНТОНИ» (ИНН 204304221) Ахангаранского району сообшотоб об уменишени уставного фонда с 322 242 558 сўм 70 тиин до 66 000 000 сўм.

Уттиз ёшимгача, умрим қиз танлаш билан ўтди. Бирини оқиқ деб унамадим, бирини семиз деб. Биттасининг қадди-қомаги ёкса, қилиги ёқмайди, қилиги ёкса, қадди-қомаги.

Бир кун онам уришиб берди:
— Хўй! Бирини ўпоқ дейсан, бирини сўпоқ. Кимни оласан ўзинг, осмондаги ойни оласанми?

— Бизга аталгани ҳам тургандир, — дедим эснаб.

Мени буйдоқлар оламидан Ҳабибахон кутқариб қолди. У ҳам институтдан кейин ишга шўнғиб кетибди-ю, эрга тегишга вақти бўлмабди. Қараса, дугоналари шўрпешона йигитларнинг бахтини битта-битта очиб кетаётганмиш. Ҳабибахон ҳам, ке, жамият олдидаги бурчимни бажарай, дебди-ю, менга тегишди. Шўндоқ қилиб, бизникида ҳам «келин» сўзи ишлатиладиган бўлиб қолди.

Бурнинг замонда «келиннинг оёғидан» деган гап бўларди. Менимча, бу гап эскирди. Энди уни «куёвнинг оёғидан» деб ўзгартириш керак. Нега дейсизми? Мана, кулоқ солинг. Менга тегмасдан олдин Ҳабибахон бир лойиха институтда шунчаки муҳандис экан. Ховлимиздаги тўйқозонлар совмасдан, лип этиб, бўлим бошлиги бўлиб олди. Яна олти ойдан кейин директорнинг бикинига кириб, ёрдамчиси-ман, деб ўтирибди. Шу кетишиб бўлса, бир-икки йилда директорнинг ўрнини ҳам эгаллашдан тоймасди-ю, билмай халати китириб қўйдим. «Ассалому алайкум!» деб ўлим Ҳикматилло тугилди.

Ўғлим деворга суянамай, алпанг-талпанг юра бошлаган кезлар эди. Бир кун хоним оқ баландик уйноқлаб кириб келди. Пальтосини ечиб, отиб юборди-ю, тўри келиб бўйинига осилди. Ҳикматилло тугилгандан бери онда-сонда бўлмаса, хотин мени ўймай қўйган эди. Нукул боласини ялаб-юлкайверди. Бу сафар соғ жойим қолмади. Юз-кўзим аралаш, чўллиллатиб ўпаверди...

— Хўй, бўлди, хотин, саккизинчи мартагга узок! — дедим гашим келиб.

Ҳабибахон икки қўлимдан маҳкам ушлади. Ниҳок ҳечқасидадек, кўзларимга ахиб бир меҳр билан тикилди.

— Мени табриклар, адаси! — деди энтикиб. — Институтга бош муҳандис бўлдим!

Диванга шилқ этиб ўтириб қолдим.

— Мени қўверинг, ҳеч бўлма-

са анави норасидани ўйламайсизми? — бир бурчақда чўнкайиб ўтирган Ҳикматиллони кўрсатдим.

— Алла айтишни энди ўрганувдим, колготкани қандоқ ювман?

— Ташвиш тортманг, — деди хоним, — ўзим телефонда масалахат бериб тураман.

Хотин пинжигма кириб, суйкалди.

— Нима қилай, адаси, вазиримиз қўймади. Тажрибангиз бор, беш-олти йил ишлаб берайсиз, деб туриб олди. Ҳикматил-

деди хотин керилиб. — Биринчидан, бунақа нарсаларни идорада гаплашамиз. Иккинчидан, қасаба уюшмаси раиси билан масалахатлашим керак. Бошлигингиздан сўрасим керак. Сизни яхши муҳандис дейишди.

— Қўл қўймайсизми?

— Йўқ.

— Унда эртадан бошлаб ишга чиқмайман.

— Ишга чиқмасангиз прогкул ёздириб қўяман. Кейин хайфсан беришди.

ғиз розиман. Хайми?

Эртадан ашиққа оқ «Волга» келди. Ҳабибахон, чиқасизми, дегандай имо қилди. Мен бош чайкадим. Хотиннинг чўнтагини қоқштириб, майда пулларини олдим-у, автобусга қараб кетдим.

Одатдагидек, ишга ярим соат кечикиб келдим. Директорнинг кабинетиде мажлис экан. Секун кириб, пойгакка ўтирдим. Ҳабибахон мени кўрди-ю, ўзини кўрмаганга олди.

Ҳажвия

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ РАСРОИҚАМ

Нима қилар экан, деб яна уч-тўрт кун атай ишга кечикиб бордим. Ниҳоят, директор «қирчир-тириб, қийшайиб кириб бордим. Қасаба уюшмаси раиси, бухгалтеримиз, яна икки киши ўтирибди.

— Келинг, ўртоқ Аскарлов, — деди Ҳабибахон чимирилиб, — ўтиринг.

Кайсарлигим тутиб, тикка турардим. Қасаба уюшмаси раиси собик улфатимиз эди, мени ёқди. Бухгалтеримиз — бадашара, бева хотин табелдан ўчириш керак, деб туриб олди. Ҳар қалай олий маълумотли киши-сиз. Хайми?

«Ноҳай» деб чиқиб кетмоқчи бўлдим-у, тилим қичиди:

— Хотиндан ёлчганимиз, — дедим мажароамуз қилиб, — совуқ мижозига йўлиққанман шекилли, ишдан келадими-ю, таппа ташлаб ухлайди.

Билиб турибман, гагим Ҳаби-

бахонга оғир ботди. Лекин сир бой бермади.

— Бўпти, сизга руҳсат, — деди совуқгина. — Рафиқангизга ўзим тайинлаб қўяман.

Кечкурун костюмни икки бўлаб, қараб ўтирдим. Хотин келиши билан башарасига отиб юбордим.

— Манг, ҳурматли ўртоқ рафиқа! Костюмни сифатли тугма билан таъминлаб қўйсизлар!

Ҳабибахон индамади. Ёлғиз ўғлининг танткилигига кўникиб кетган онадай илжайиб қўйди-ю, ичкери кириб кетди. Салдан кейин янги костюм кўтариб чиқди.

— Мана, адаси, атай сизга олиб келдим, — деди яшнаб. — Кийинг-чи, ярашармикин?

Бирпас ёлғондан араз қилиб турдим. Хотин ялғинди:

— Жо-он Роҳатилло ака, кия қолинг...

Костюм чиройли эди, кўнглим суст кетди. Бейхитёр қўл чўздим.

— Ярашди, қуллук бўлсин! — деди Ҳабибахон ёқамни тугатиб. Кейин гина қилди. — Ёлғончи!

Қачон ишдан кела солиб ухлайдим? Доим сиздан кейин ётаман-ку!

— Нега бўлмаса ҳаммининг олдида шарманда қиласиз?

— Хафа бўлмайсиз, хизматчилик. Сизнинг чакмоқдай бўлиб юришингизни истайман. Ахир сиз менинг энг азиз кишимсиз, Роҳатилло ака!

Бизнинг хоним ана шунчаки. Уйда «аказон» деб бўйинига осилди-ю, идорасига борса, тамом, тўни... тфу, қўйлагини тескари қийиб олади.

Кейинги пайтда ҳамхоналарим кун бермай қўйишди. Ҳазил қилишгани-қилишган.

— Роҳатилло, опа сени ёқтирмай қолган шекилли, энди эзаверади.

— Нима қилувдинг, Аскарлов?

— Опа янги ишга келган кун Роҳатилло хотиндан қоз чикмас деган экан, шунга эшитгандир-да.

— Менимча, гап бонда ёқди. Роҳатилло опанинг домида турармиш. Амалдор хотинлар қўниси билан бир ёрда ишлашни ёмон кўради. Идорада нима гап бўлса, дарров домга таркалади-да.

Хуллас, тагин уч-тўрт ой шерикларимга эрмак бўлиб юрдим. Ёз келди. Тасодифан хотин чет элга, бир ойлик ўқшига кетадиган бўлиб қолди. Хурсанд бўлдим. Ўн кунда ариза ёзиб бўшадим-у, вазирликка ишга

ўтиб кетдим.

Маза бўлиб қолди. Кадрлар бошлиги — эркак, бошлигим — эркак. Биров гинг демайди. Ҳикматилло оймикнида. Гоҳо бо-риб, қўриб келаман-у, кўча-қўйда улфатлар билан юраверман.

Ҳаш-паш дегунча, бир ой ҳам ўтди. Бир кун тушликда буфетга кириб кофе ичиб ўтирсан, малла Матнёз гап топиб келди.

— Эшитдиларингми, бизга янги вазир ўринбосари келаетганмиш. Ўзи кийикнинг боласидай кичкина эмиш-у, юрса ерни беш бал қимирлатармиш.

— Унда Зилзилахон экан-да! — дедим лабимни ялаб.

— Зилзилахон эмас. Ҳабиба Шомуродовна, — деди Матнёз. Мени ҳаққоқ тутиб қолди.

— Ҳаб... Ҳаб... Шом...

— Ҳа, Роҳатилло нима қилди? — Анчай... ўша хотиннинг эрига раҳиминг келаяпти.

— Сенинг хотининг эмас-ку, барибирмасми...

Пешиндан кейин вазирнинг ўзи келди. Ҳаммани йиғиб, янги ўринбосарини таништирди. Мен, бор-э, ўз хотиним билан танишамани, деб кирмадим. Бирор соат ўтди. Тинчимни йўқотдим. Ахири чидемадим. Табрик баҳонасида умр йўлдошимни бир қўриб, дийдорига тўйай, дедим-у, шартта ичкери кирдим. Ҳабиба тилла кўзойнақ тақиб, хат ўқиб ўтирган экан. Эски макомчидай, аста томоқ кирдим. Хотиним бошини кўтарди. «Хизмат?» дегандай, менга ажабланиб бокди. Кейин... илжайди. Юрагим ҳарпикиб кетди. Пилдираб ёнига борганимни билмай қолдим.

— Янги лавозимлар муборак бўлсин, Ҳабибахон Шомуродовна! — деб қўл чўздим.

Ҳабибахон қўлимни маҳкам қисиб:

— Яхши юрисбизми, адаси? — деди.

Баданим жимирлаб, галати бўлиб кетдим. Ахир хотин ҳеч қачон идорада «адаси» демаган-да!

Ҳабибахоннинг иссиқгина кафти кафтимда. Мен унинг хиёл жилмайиб турган меҳр тула қўларига боқиб, унсиз турибман.

«Жоним! Бир ойдан бери сени соғиниб, жинни бўлаёдим!» деб бақириб юборгим келди. Шартта бағримга босай дегим, уялдим.

«Шошмай тур, хали уйга борарсан» деб қўйдим ичимда ва секин тисарилиб қетиб кетдим.

Эшикка борганда ўғирилдим. Хотин ҳамон кулиб турди. Хе, табассумингдан акант!...

Саъдулла СИЁЕВ.

АЁЛ БҮЛМАСА

Суялчиқдир эркакка аёл
Гарчи ҳамроҳ минг битта хаёл.
Нима бўлар... деган бир савол
Аёл бир кун уйда бўлмаса.

Остонамас, чўғни босгандай,
Юрагини дорга осгандай,
Ҳатто, шамол бевақт эсгандай...
Аёл бир кун уйда бўлмаса.

Кириб-чиқиб юраверасан,
Ишинг уммас, тураверасан.
Бориб қайта бораверасан
Аёл бир кун уйда бўлмаса.

Кўёш гўё уфқ томон оқмас,
Ҳовлингдаги гулинг ҳам боқмас.
Ҳеч кимсанинг қилиги ёқмас,
Аёл бир кун уйда бўлмаса.

Тушиб кетар қўлдан ҳафсала,
Сендан қочиб юрар тасалла.
Бу ҳам, дўстлар, жиддий масала
Аёл бир кун уйда бўлмаса.

Ҳамид НОРКУЛ.

«Respublika Mulk-Auksioni»

давлат унитар корхонаси барча сармоядорлари, бошланғич баҳосининг ошиши ва қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибида ўтказиладиган очик ТАНЛОВ савдоларига таклиф этади.

Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Савдо кунлари	Асосий шартлари
очик ТАНЛОВ савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:				
Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли умумий майдони 394,08 кв.м.га тенг бўлган 1-сонли "Нотураржой" биноси	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси	18 124 379,0 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	25 март, 8, 22 апрель ҳамда 6, 20 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади	- сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш; - "Объект"да тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва энг камда 1 йил муддат ичиди 50 млн. сўм миқдорда инвестиция киритиш; - давлат ордери тадбиркорлик соҳаси йўлга қўйилгандан сўнг берилади.
Бўстонлик тумани ҳокимлигига қарашли умумий майдони 220,88 кв.м.га тенг бўлган "Нотураржой" биноси	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, "Газалкент" ҚФЙ	24 475 955,0 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	1, 15, 29 апрель ҳамда 13, 27 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади	- сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш; - объектнинг қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари қурилишини тугатиш ҳамда унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мақсадлари учун 100 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.
"Покент пахта тозалаш заводи" очик акциядорлик жамиятининг ижтимоий инфратузилма объекти бўлган болалар соғломлаштириш мажмуаси қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Покент тумани	302 200 000,0	8, 22 апрель ҳамда 6, 20 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади	- сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш; - объектнинг қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари қурилишини тугатиш ҳамда унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мақсадлари учун 100 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.

ТАНЛОВ савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биноси.

ТАНЛОВ савдоларида қатнашиш истиғини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Закалат пули ўтказиш тўғрисидаги шартномаси" тузилгандан сўнг "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсаноатқурилиш банки" Марказий амалиёт минтақавий филиали 2021000804537599001, МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган санадан камда уч (3) кун олдин, ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси;
 2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хориқлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари);
 3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома;
 4. Сармоядорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик жамиятининг) маълумотномаси;
 5. Танлов савдоси объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблаг ҳамда қўшимча сармоя киритиш миқдори аниқ кўрсатилган ҳолда маҳкамлаб, муҳрланган тарзда такдим этилиши шарт; (таклиф ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт);
 6. Савдо ақнулари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.
 7. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.
- Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.
- Таъсис ҳужжатлар икки нусхада нотариал тасдиқланган ҳолда такдим этилади, сармоявий таклифлар эса конвертга солиниб маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда "Объект номи" ёзуви билан шахсан ваколатли вакил орқали топширилиши ёки почта хизмати ёрдамида жўнатилиши мумкин.
- Ҳар бир сармоявий таклиф ва унинг ҳар бир саҳифаси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзоланиши лозим.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

«Respublika Mulk-Auksioni» ДУК барча сармоядорлари, бошланғич баҳосининг ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади:

Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Савдо кунлари
очик АУКЦИОН савдосига қуйидаги давлат объектлари қўйилади			
"Шарқ" очик акциядорлик жамиятининг ижтимоий соҳа объекти, умумий майдони 905,94 кв.м.га тенг бўлган омборхона биноси (омборхона майдони — 600 кв.м., клуб биноси 305,94 кв.м.)	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Май" қ.ф.и, "Дўстлик" кўргони	27 230 734,0 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	25 март, 1, 8, 15, 22 апрель кунлари соат 15.00 да
Собик "Бектемир пахта тозалаш заводи" ОАЖнинг ижтимоий соҳа объекти бўлган 2 қаватли ошхона биноси, пишиқ гиштдан 1974 йилда қурилган, 1 қаватининг майдони 297,06 кв.м., 1-қават баландлиги 4,5 м., 2-қават баландлиги 3,0 м.	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, "Паркент" кўчаси	102 765 000,0 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	11, 18, 25 март ҳамда 1, 8, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 15.00 да
Собик "Бектемир пахта тозалаш заводи" ОАЖнинг ижтимоий соҳа объекти бўлган чойхона биноси, 1978 йилда қурилган, умумий майдони 88,2 кв.м., асфальтланган майдони 112,5 кв.м.	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, "Паркент" кўчаси	3 930 000,0 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	

Шунингдек, 2008 йил 8 апрель кун соат 15.00 да ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

Русуми	Давлат белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлимига қарашли			
Дамас (ранги оқ бўлган)	10 AR 254	1996	2 089 800,0
Янгийўл "Биокимё" ОАЖга қарашли			
"РАФ-2203" (ранги оқ бўлган)	11 AR 743	1995	3 453 735

Сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий очик АУКЦИОН савдолари 2008 йилнинг 15, 22, 29 апрель кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома такдим этилиши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан арзаларини қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин тўхатилади.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.

Телефонлар: 139-83-82, 150-34-45, 139-83-95. Факс: 150-34-46.

Интернетдаги сайт: www.mulk.uz

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 233-90-82,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
сахифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
клама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.